
Солиқ қонунчилигидаги киритилган янгилик ва ўзгаришлар бўйича семинар ўтказилди

2022 йил 1 январдан бошлаб солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида онлайн семинар ташкил этилди.

Семинарда Тошлок туман тадбиркорлари ҳам таклиф этилиб, солиқ қонунчилигидаги киритилган янгилик ва ўзгаришлардан яқиндан ахборот олдилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда Давлат солиқ қўмитаси раисининг 1-ўринбосари Мубин Мирзаев ва қатор мутахассислар иштирок этиб, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан жорий этилган янгиликлар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Тадбир давомида солиқ тўловчилар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Й.ТЕМИРОВ,

Тошлок тумани ДСИ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш шўъба бошлиғи.

2022-01-21 20:48:54